

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**375** Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2697*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 апрелдаги ПҚ-1961-сон «Маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2014 йил 4 февралдаги ПҚ-2120-сон «2014 — 2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сон «2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш механизмини такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 18 апрелдаги 39, ЭГ-01/14-1414, 6, 2012-16 ва 01-02/8-6-сон «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2365, 2012 йил 17 май) (Ўзбекис-

**28 (684)-сон**

**— 35 —**

**375-модда**

тон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 224-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 23 июнь,  
54-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири**

**Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 23 июнь,  
ЭГ-01/14-3170-сон

**Иқтисодиёт вазири**

**Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,  
2015 йил 23 июнь,  
96-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 23 июнь,  
2015-17-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 23 июнь,  
01-02/8-16-сон

Ўзбекистон Республикаси  
 Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий  
 алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,  
 Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ  
 қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг  
 2015 йил 23 июндаги 54, ЭГ-01/14-3170,  
 96, 2015-17, 01-02/8-16-сон қарорига  
 ИЛОВА

**Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари  
 амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва  
 божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги  
 НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 апрелдаги ПҚ–1961-сон «Маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2014 йил 4 февралдаги ПҚ–2120-сон «2014 — 2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2015 йил 11 февралдаги ПҚ–2298-сон «2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш механизмини такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш ҳамда улар томонидан даромадларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қуйидаги корхоналарга татбиқ этилади:  
 тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурига киритилганларга;  
 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 апрелдаги ПҚ–1961-сон «Маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 3-иловасига киритилганларга.
2. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган корхоналар қуйидагиларни тўлашдан озод этиладилар:  
 маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан, ягона солиқ тўло-

видан (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан;

четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар (кейинги ўринларда импорт товарлари деб юритилади) учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарга, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мазкур Низомнинг 2-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган санасидан бошлаб, мазкур Низомнинг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган имтиёзлар эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб татбиқ этилади.

4. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган имтиёзлар бўшайтган маблағларни мақсадли фойдаланишни назарда тутмайди, мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно.

5. Мазкур Низом 1-бандининг учинчи хатбошисида кўрсатилган корхоналар томонидан мазкур Низом 2-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Мазкур Низом 2-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг реализация қилинган маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига татбиқ этилмайди.

7. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) билан тартибга солинади.

**2-боб. Солиқлар бўйича имтиёзлар ва уларни қўллаш**

8. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод қилиш кўринишидаги имтиёзни қўллаш учун корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадлар (харажатлар) бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари керак.

9. Ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш хусусиятларини ҳисобга олиб, ягона солиқ тўлови бўйича назарда тутилган имтиёз маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум суммасига қўлланади. Айтиб ўтилган имтиёзни қўллаш учун корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушум бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари керак.

10. Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган асосий ишлаб чиқариш фондларини юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзни қўллаш учун корхоналар маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича солиқ солиш базасининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари керак.

11. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёз маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун харид қилинган, бироқ фойдаланишга топширилмаган асосий воситалар учун қўлланилмайди.

12. Агар асосий ишлаб чиқариш фондларидан фақат маҳаллийлаштирилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилмаса, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёз реализация қилишдан олинган соф тушумда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг салмоғидан келиб чиқиб тақдим этилади.

13. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган солиқ ҳисоботи шакллари асосида амалга оширилади.

**3-боб. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ва уларни қўллаш**

14. Божхона тўловлари бўйича имтиёз эркин муомалага чиқариш режими учун божхона расмийлаштирувини амалга ошириш вақтида белгиланган тартибда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хулосаси асосида тақдим этилади.

**4-боб. Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида мажбуриятларни бажаришни таъминлаш**

15. Лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилган санадан бошлаб лойиҳани амалга оширувчи корхона мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзларидан маҳрум этилади.

16. Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган мажбуриятларни бажариш таъминланмаганлиги сабабли лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилганда, шунингдек имтиёзларни амал қилиш муддати тугаганда, мазкур Низом 1-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган корхоналар юқорида таъкидланган ҳолатлар юз берган кундан бошлаб уч кун мобайнида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун илгари четдан олиб кирилган товарларнинг (компонентларнинг) қолдиқ қисмида божхона тўловлари бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китобларни амалга оширишлари шарт. Қайта ҳисоб-китоблар жарима санкциялари қўлланилмаган ҳолда амалга оширилади.

17. Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни таъминламаган ва шу асосда Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилган мазкур Низом 1-бандининг учинчи хатбошида кўрсатилган корхоналар:

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун илгари четдан олиб кирилган товарларнинг (компонентларнинг) қолдиқ қисмида божхона тўловлари бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китобларни амалга оширишлари шарт. Қайта ҳисоб-китоблар жарима санкциялари қўлланилмаган ҳолда амалга оширилади;

ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган тартибда қайта ҳисобланган божхона тўловлари бўйича тўланган маблағларни чегирган ҳолда 8840 «Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағида (маҳаллийлаштирилайдиган маҳсулот қисмида) акс эттириладиган ишлатилмаган маблағларнинг қолдиғини Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариш тўғрисидаги қарор кучга кирган кундан бошлаб уч кун мобайнида бюджетга ўтказиб беришлари шарт.

Мазкур маблағлар ўз вақтида ўтказиб берилмаган ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисобланади.

Ушбу банднинг қоидалари имтиёз даври тугагандан сўнг, яъни Маҳаллийлаштириш дастурида белгиланган муддатлар тугагандан сўнг фойдаланилмаган маблағлар қолдиғига ҳам татбиқ этилади.

18. Йил якуни бўйича Маҳаллийлаштириш дастурида назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажаришни таъминламаган, бироқ Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқарилмаган корхоналар бўйича маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган компонентлар бўйича хулоса бериш Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича идоралараро Маҳсус комиссиянинг қарори бўйича ўтган йилда имтиёзларни қўллаган ҳолда

четдан олиб келинадиган компонентларнинг қолдиргани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### **5-боб. Имтиёزلарни тўғри қўллаш юзасидан назорат**

19. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ ва божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва Иқтисодиёт вазирлигига солиқ имтиёзларининг ҳажми ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган солиқ текширувлари натижалари тўғрисида маълумотни корхоналар кесимида тақдим этади.

21. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари божхона тўловларини тўламасдан четдан товар олиб келган юридик шахслар реестрлари ва тақдим этилган имтиёзлар ҳисобини юритадилар.

22. Давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари ҳар чорақда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунига қадар (юридик шахснинг тегишлилиги бўйича) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига юридик шахслар томонидан божхона тўловларини тўламасдан четдан олиб келинадиган, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариши ташкил этилмаган ёки ички бозор эҳтиёжининг ҳажми, сифати ва техник параметрлари бўйича қониқтирмайдиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар тўғрисидаги маълумотни мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда тақдим этадилар. Давлат солиқ бошқармалари маълумот олинган санадан эътиборан уч кун ичида уни юридик шахс рўйхатдан ўтган жойдаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига юборадилар.

23. Давлат солиқ хизмати органларига юбориладиган маълумотда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган юридик шахс — товарлар импорт қилувчисининг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

чет эллик товар етказиб берувчининг номи, шартнома рақами;

импорт товарларининг номи, уларнинг миқдори ва тақдим этилган имтиёзлар суммаси.

24. Имтиёзни қўллаган ҳолда олиб келинган импорт товарларидан мақсадга кўра фойдаланмаслик ҳолатлари солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) вақтида аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари аниқланган ҳолатлар тўғрисида ҳужжатлар тузади ва уч иш куни мобайнида уларни тегишли давлат божхона хизмати органларига юборади. Мақсадга номувофиқ фойдаланилган импорт товарларига тўғри кела-

диган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкцияларни ҳисоблаган ҳолда бюджетга ундирилади.

25. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ ва божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури  
 лойиҳалари амалга ошириладиган корхоналар  
 томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини  
 қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
 ИЛОВА

375-модда

\_\_\_\_\_ давлат солиқ бошқармаси

**Четдан олиб келинадиган, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариши ташкил этилмаган ёки  
 ички бозор эҳтиёжининг ҳажми, сифати ва техник параметрлари бўйича қониқтирмайдиган технологик асбоб-ускуналар,  
 бутловчи буюмлар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш  
 технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар тўғрисидаги**

**МАЪЛУМОТ**

20\_\_ йилнинг «\_\_» чораги учун

Т/р	Олувчининг номи	Олувчининг юридик манзили	Олувчининг СТИРи	Чет эллик товар етказиб берувчининг номи	Шартноманинг рақами	Четдан олиб келинган товар			Имтиёз суммаси
						номи	ўлчов бирлиги	миқдори	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

— 42 —

\_\_\_\_\_ (сана)

ЎЗР ДБК

\_\_\_\_\_ вилоят бошқармасининг бошлиғи \_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

28 (684)-сон